

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 21 октябрь, № 204 (4614)

Сешанба



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2008 йил 17 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда ҳукуматнинг 2008 йил 8 февраль ва 18 июлдаги мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини бажаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,4 фоизни, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 18,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми ўсиши 4,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 18,5 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Экспортнинг юқори суръатларда ўсиши ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салбосини таъминламоқда. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Кулай инвестиция муҳити ва Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари фаол амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 33,5 фоизга ўсишини таъминлади. 284 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. «Шуртан» қониди пропан-бутан аראшмасини олиш қурилмасининг учинчи ва тўртинчи навбати, Андижон вилоятидаги «Алёртекс» тўқимачилик фабрикаси, Жиззах вилоятидаги «Замонавий полимер кувур» полимер кувурлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, Тошкент вилоятидаги «Ост-Милч» сутни қайта ишлаш заводи шулар жумласидандир.

Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайитириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизгача ошишини таъминлади. Мақсадли комплекс ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш туфайли 545,2 мингта, шу жумладан, хизматлар ва сервис соҳасида 188,2 мингта, касаначиликни

ташкил этиш ҳисобига 85,1 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори иқтисодий-иқтисодий ўсишини ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни таъминлашда эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлашга, келгуси йилда иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида иқтисодий тармоқлари ва республика ҳудудларида норентабель, ишламаётган ва истикболи йўқ корхоналар, кам самарали акциядорлик жамиятлари сонини камайитириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижалари танқидий кўриб чиқилди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкрот корхоналарини самарали ишлайдиган мулкдорларга сотишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари, вазирликлар ва идораларга банкот корхоналарнинг сотиб олинган ва бугунги кунда ишлатилмаётган мол-мулк асосида бозорда рақобатбардошли ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар чиқарадиган замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этиш юзасидан аниқ тақлифлар киритиш топширилди.

Мажлисида молия-банк тизимининг жорий йилнинг 9 ойидаги фаолияти яқунлари ва умуман 2008 йилда қўрилган кўрсаткичларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳоннинг қўллаб-қувватлашнинг қамраб олган молиявий инқироз қўламлири кенгайтганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланаётганлиги, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Суратдаги мана бу йигитларга бир эътибор беринг-а. Уларнинг юз-кўзида ишонч ва қатъият шундоққина билиниб турибди. Жисмонан бакуват, ақлан етук бу ўғлонлар бугун Ватан ҳимоячиси, деган юксак шарафга муяссар бўлишди.

Кузги чакирув

Хабарингиз бор, айти кунларда Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўдрига навбатдаги чакирув тўғрисидаги Қарори асосида жойларда муддатли ҳарбий хизматга оғланаётган ёшларни тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири кеча Тошкент шаҳар муҳофаа ишлари бошқармасининг чакирув пунктида ташкил этилди. Унда шаҳар фаоллари, жамоатчилик вакиллари, чакирувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди. Маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз муҳофаа тизимида олиб борилаётган ислохотлар туфайли ҳар жиҳатдан мукамал бўлган миллий армиямиз шаклланишини қайд этишди. Ҳарбий хизматга бориш фуқароларимиз учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шарафга айланганини таъкидладилар.

— Бугун ҳарбий хизматга 44 нафар йигитни жўнатаямиз, — дейди Тошкент шаҳар муҳофаа ишлари бошқармаси чакирув бўлими бошлиғи, майор Набижон Гапбаров. — Уларнинг ҳар бири белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган. Ишончимиз комилки, ёш аскарларимиз ҳарбий хизматдан сўнг ҳозиргидан-да кучирок ва етук билим соҳиби бўлиб қайтишди.

Фарзандининг камолга етиб, куч-қувватга тўлганини кўрган ота-оналарнинг ҳаяжонини таърифлаш қийин. — Уч ўғил, икки қизим бор, — дейди Фарид Комилова. — Икки ўғлим ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб, кам бўлишгани йўқ. Бугун кенжамиз Мирқомилни кузатаймиз. Аскар-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

лиқа ўз хоҳиши билан бормоқчи бўлганини эшитганимда бир қувонган бўлсам, танловдан муваффақиятли ўтганида икки қувондим. Чунки аскарликда юрган йигит оқ-қорани тушунади, Ватанининг, ота-онасининг қадрига етадиган

бўлади. Мен бугун шундай фарзандларим борлигидан фخرланаман.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент шаҳрида 15-16 октябрь кунлари «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ва сайловчиларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) томонидан АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД), Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХХТнинг

Ўзбекистондаги Лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Болгария, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Канада, Нидерландия, Покистон, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Тожикистон, Франция, Чехия, Қирғизистон, Япониядан келган таниқли экспертлар, мутахассислар ва олимлар иштирок этди.

САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши соҳасида демократик ислохотларни амалга ошириш, сайлов тизимининг қонунийлик асосларини тақомиллаштириш тажрибаси ва ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказиш амалиёти билан ҳар томонлама танишилди. Таъкидландики, Ўзбекистонда ҳокимият вакиллик органларига сайловни янада демократлаштириш жараёни андоқ демократик сайлов андозларига таянган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич ва изчил амалга оширилмоқда.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистонда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти бошқа институти, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларнинг сайловда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёни-

ларга мос аниқ-пухта сайлов тизими шаклланиши, партиялар орасида рақобат қўлайиб бораётгани, сиёсий партиялар билан жамият ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлига қўйилгани, энг муҳими, давлатнинг ўзи аҳолининг иқтисодий-сиёсий жараёндаги салоҳиятини қўлайишдан, фуқаролик жамиятини демократик ислохотлар ва мамлакатни модернизация қилишга жалб этишдан, эркин ва очиқ сайловлар ўтказишдан манфаатдор экани таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон истиқболда тараққий этиш учун улкан имкониятларга эга.

Ўз навбатида, Жанубий Африка Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий ва Шарқий Осиё бўлими директори Нина Хьюман таъкидладикки,

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасига киритиш ҳақидаги иш кўрилди.

Боқувчининг вафот этганини муносабати билан зарарни тўлаш тартибининг белгилочви Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддаси ва Ўзбекистон Республи-

каси Меҳнат кодексининг 192-моддаси нормаларининг бир хилда эмаслигини ишчи кўриш учун асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-

(Давоми 2-бетда).

Ўтган ҳафта пойтахтимизда бўлиб ўтган дизайн ва мода ҳафталиги, айтиш мумкинки, қўллаб-қувватлаш имкониятини юқини маданияти ва санъати, миллий аъёнларимиз намуналари билан яқиндан таништирди.

Дилларни дилларга боғлаган кўприк

Чет эллик мутахассислар таъкидлаганидек, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Дом стили» модлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган маъруза ҳафталиги ўз дастурининг ранг-баранглиги ва ўзига хослиги билан иштирокчиларда катта таассурот қолдириди. Шуниси эътиборлики, ҳафталик мода ва дизайн соҳасида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар билан

Анъана

яқиндан танишиш, янгиликларни кашф этиш, фан соҳасида дизайнлик санъатининг таниқли намуналарини билан кенг қўллаш ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконини берди. Қолаверса, лойиҳа юртимиздаги ёш дизайнерларнинг ноёб қобилият ва истеъодларини юзага чиқаришга, улар иқоди кенг мутахассислар ташаббуси ва матонатли билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат тили

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

Республикамиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самаралари халқаро ташкилотлар томонидан яна бир бор эътироф этилди.

Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг 2008 йил 10 сентябрда эълон қилинган «Тадбиркорликнинг олиб борилиши-2009» («Doing Business-2009») тадқиқотининг натижаси тўғрисидаги ҳисоботта кўра, Ўзбекистоннинг умумий рейтинг 7 ўринга, «Кредит олиш» кўрсаткичи бўйича ўтган йилдагидан 47 ўринга кўтарилиди. «Кредит ахбороти» кўрсаткичи бўйича эса ижобий баҳо олди.

Маълумки, иқтисодий таъминот ҳамда ун тушунари, қўлла-нилиши оддий бўлган қондалар амал қилиши лозим. Акс ҳолда, тадбиркорлик субъектлари соҳанинг тартибга солинишидан яширин секторда фаолият юритиб, оқибатда унда ишловчи фуқаролар меҳнат қўнунчилиги билан ҳимоя-

ланган имкониятдан маҳрум бўладилар. Бундай ҳолатнинг олдини олишнинг ягона йўли — тадбиркорлик ривожланиши учун қўнуний асос яратишдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг «Тадбиркорликнинг олиб борилиши» тадқиқотида дунё мамлакатларидаги тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишчи, хусусан, уни қийинлаштирувчи меъриий ҳужжатлар, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини таққословчи миқдорий кўрсаткичлар, ўтган даврда оз берган ўзгаришлар таҳлил қилинади. Бу тадқиқотда, шунингдек, ҳукуматнинг корхоналарни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳамда уни амалга ошириш борасидаги талабларини баҳарлашга сарфланадиган тадбиркорларнинг вақт ва молиявий харажати, амалдаги меъриий ҳужжатлар 10 та кўрсаткич бўйича бирон-бир мамлакатдаги ёш соҳадаги иқтисодий вазият асосида баҳолашиб, қаерда ва қайси ислохот қандай самара берганлиги чуқур ўрганилади. Ҳисоботда корхона ва мулкни рўйхатдан ўтказиш, қурилишга рух-

Таҳлил

сат олиш, ички қўнунни ёллаш, кредит олиш, инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, солиққа тортиш, халқаро савдо, контрактларнинг ижро этилиши ҳамда корхонани тугатиш кўрсаткичлари ўз аксини топади.

Мазкур тадқиқот 2003 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Унинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили эълон қилинади. 2003 йилда тадбиркорлик фаолиятининг аҳоли 133 та мамлакатда 5 кўрсаткич бўйича, 2007 йилда 175 та мамлакатда 10 та, 2008 йилда эса 181 та мамлакатда 10 кўрсаткич бўйича таҳлил этилди. Қўнуний турибдики, тадқиқот этилаётган мамлакатлар сони йил сайини ошиб, кўрсаткичлар ҳам тобора тақомиллашиб бормоқда.

Шу билан бирга, жорий йилги тадқиқотда 181 та мамлакатдан 6700 дан зиёд экспертлар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти бўйича мамлакатлар таҳлилчилари, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий ислохотлар натижаларини баҳолаш бўйича жаҳоннинг бошқа давлатларининг ордда қолдиришмоқда. Бунда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутди, албатта. Чунки жаҳоннинг йиллик молия бозорларида бошланган инқироз ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аксариятининг иқтисодий вазияти салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодий ҳалқаро миқёсда ҳолис ва юқори баҳога сазовор бўлиши катта воқеадир. Бу, энг аввало, Президентимизнинг иқтисодий ислохотларига бераётган алоҳида эътибори, уни янада ривожлантириш борасида юртайётган сиёсати натижасидир.

(Давоми 2-бетда).

21 октябрь — «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кун

ТИЛ — ХАЛҚНИНГ БОЙЛИГИ, БОРЛИГИ

Бугун «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги 19 йил тўлди. Мухбиримиз атоқли ўзбек тилшуноси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Шавкат РАҲМАТУЛЛАЕВ билан уchrашиб, мазкур Қонуннинг ижроси шу ўтган давр ичида қандай самаралар берган, Давлат тили мақомига эришган тилимизнинг бугунги тараққиёт даражаси ва истикболи тўғрисида суҳбатлашди.

— Мухтарам устоз! Сиз 85 ёшли улкан умр довоини да турсан нуруниёйсиз. Қўз тегмасин, куч-ғайратингиз ҳамон қайнаб-тошиб турибди. Ҳамон ўзингизга қадрдон Миллий университетининг Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистика кафедрасида меҳнат қилаёсиз. Ёшларга тилшунослик фани асосларидан

сермазун, қизикarli дарслар ўтатяёсиз. Ҳозирги тилшуносликнинг долзарб масалаларини ўз ичига қамраб олган ҳамда замонавий илмий-педагогик тафаккурнинг намуналари деб аташга арзийдиган дарсликлар яратдингиз. Сиздаги бундай шижоатни, руҳий-маънавий бардамлигини кўриб, ҳавас қилмаслик мумкин эмас...

— Ишлаш керак, — дейди устоз олим бизнинг сўзларимиздан қулмасиб. — Тилимиз ҳам, тилшунослик фани ҳам қизгин ўзгаришлар, янгиликлардан дариш бошдан кечирмоқда. Бундан 19 йил бурун Президентимиз ташаббуси ва матонатли билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат тили

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик ҳусуиатлари билан ажралиб туриши алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда банкларнинг капиталлашуви ни изчил ошириш, уларнинг активларини диверсификациялашни чуқурлаштириш ва сифатини яхшилаш бўйича қўйлаётган чора-тадбирлар, шунингдек, республика банкларининг узоқ мuddатли ресурсларни жалб этиш асосида барқарор ресурс базасини шакллантиришга йўналтирилганликлари республика банк тизимининг янада мустаҳкамланиши ва ишончлиги ошишига кўмак бермоқда. Аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкам бўлиб, банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми кейинги 5 йилда 8,6 баравар, шу жумладан жорий йилнинг 9 ойда 1,5 баравар ўсгани шундан далолат беради.

Тижорат банкларининг раҳбарлари эътибори тартибдан қайта ўзгартирилган жараёнларида, иқтисодий тармоқлари ва соҳалари ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техник ва

технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардошли махсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга оширишда ўз маблағлари ва жалб этилган капитал билан қатнашишни янада фаоллаштириш зарурлигига қаратилади. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий фаолият билан Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ширини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳосилдорлигини кўпайтиришда Давлат дастури доирасида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириги, Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда вилоятлар ҳўқимликларига таъминлаш-тиклаш ишлари ҳали давом этаётган мелiorация объектларини ўз вақтида ишга тушириши, 2009 йилнинг биринчи қоррагида амалга ошириш назарда тутилган суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш лойиҳалари бўйича зарур

лаш юзасидан чора-тадбирлар қўриш зарурлиги қайд этилди.

Махлисида 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастури бажарилиши ва 2008 йил якули бўйича қўйлаётган натижаларга эришиш чора-тадбирлари қўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳосилдорлигини кўпайтиришда Давлат дастури доирасида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириги, Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда вилоятлар ҳўқимликларига таъминлаш-тиклаш ишлари ҳали давом этаётган мелiorация объектларини ўз вақтида ишга тушириши, 2009 йилнинг биринчи қоррагида амалга ошириш назарда тутилган суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш лойиҳалари бўйича зарур

лаш юзасидан чора-тадбирлар қўриш зарурлиги қайд этилди.

Махлисида 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастури бажарилиши ва 2008 йил якули бўйича қўйлаётган натижаларга эришиш чора-тадбирлари қўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳосилдорлигини кўпайтиришда Давлат дастури доирасида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.


Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириги, Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда вилоятлар ҳўқимликларига таъминлаш-тиклаш ишлари ҳали давом этаётган мелiorация объектларини ўз вақтида ишга тушириши, 2009 йилнинг биринчи қоррагида амалга ошириш назарда тутилган суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш лойиҳалари бўйича зарур

моқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфра-тузилмаси барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан, уларга газ, электр ва иссиқлик энергияси узлуksиз етказиб берилишини таъминлаш учун вазириликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги алоҳида таъкидланди. Маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари ва «Узлугржисавдоинвест» уюшмаси раҳбарларининг эътибори мева-сабзавот махсулотларининг асосий турлари ва картошкани белгиланган ҳажмларда амалга ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўриш ҳамда мева-сабзавот махсулотлари ва картошка нархларининг ички бозорда асосий равишда ўсиб кетишига йўл қўймасдан аҳолига сотиш учун уларнинг захиралигини тизимли равишда сотишга чикарилишини таъминлаш зарурлигига қаратилади.

Кўн тартибдаги масалалар бўйича вазириликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республиканинг йирик корхоналари, тижорат банклари ҳамда вилоятлар раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳўқумати махлисига қиритилган масалаларни муҳокама қилиш якули бўйича 2008 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш ва келгуси йилда республика иқтисодиёти барқарор ривожлантириш учун ишончли қарорлар қиритиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Давлат тили ҳақида»ги, «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Андижон вилоятидаги ижросига бағишланган назорат-таҳлил йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда, аввало, давлат тилининг аҳамияти ва ўрни, унинг тўғри қўлланилишига эътибор, кўча, бино, ишонч ва савдо объектларида жойлаштирилган пешлавҳалар, реклама ва безаклари жойлаштиришдаги муносабатларни яхшилаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Вилоятда мазкур қонунларнинг ижроси дурст бажарилаётгани ҳолда айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди.

Қўйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитасининг Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларининг роли мавзусига бағишланган семинари ўтказилди.

Йиғилишда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган дастури доирасида мамлакатимиз банк тизимида илгор инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда банкларро ва банклар ичидаги тўлов тизимлари тақомиллаштирилгани айтиб ўтилди.

Муҳокама жараёнида электрон тўловлар ва интернет-банкнинг янада ривожлантириш, банкни бошқаришда қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимларини ва интернет тармоғида банк ҳисобварағини масофадан туриб бошқариш механизмларини жорий этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги даражасини ошириш масалаларида таклифлар билдирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг республика Банк-молия академиясида сайёр йиғилиши ўтказилди.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоқ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури»га мувофиқ ишлаб чиқилган «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазириги хузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан ташқил этилган «Суғурта бозорининг бугунги қандаги ҳолати ва келгусида ривожланиш стратегияси» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоқ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши мамлакатимиз суғурта бозорига янги бошқични бошлаб бергани айтилди.

Конференцияда мазкур қонунлар ижросини таъминлашдан қўйлаётган натижалар хузурида ҳам сўз юритилди.

3. ХУДОЙШУКУРОВ.

Дилларни дилларга боғлаган кўприк

(Давоми. Боши 1-бетда).

Даставвал, юртимизнинг машҳур дизайнерлари ва хорижий меҳмонлар иштирокида ўтказилган Бош дефиле маросимида Ўзбек миллий либослари, чет эллик танлиқ дизайнерларнинг замонавий тўпчалари ҳамда кундалик кийимлар намойиш этилди. Саида Амир, Артём Дробишев, Шерзод Отабоев, Гули, Дилдора Қосимова, Умида Юсупова сингари ёрқин истеъдод соҳибларининг бетакор коллекциялари томошабинлар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Бу галги «Style.uz» ҳафталигида йирик халқаро ташкилотлар вакиллари, танлиқ дизайнерлар, заргарлар, шоу-бизнес вакиллари, халқаро мода журнали ариодкорлари ва бошқа жамоат ариодкорлари қатнашди. Хусусан, Сиси Васаби (Германия), Ревийон ҳамда Ги Ларош (Франция) каби жаҳонга машҳур мода уйлари, россиялик дизайнерлар Алёна Ахмадуллина ва Юлия Далакян, япониялик Норио Сурикабе, хиндистонлик Сунит Варма, шунингдек, Пекин Либос технологиялари институти вакиллари ўз коллекцияларини намойиш этидилар. Хорижий диллар орасида Такада Кензо, маҳоратли суратчи Андэра Пау, танлиқли расом Михаил Фукс, «Сhopard» вице-президенти Каролина Гроузи-Шофель хоним,

жаҳоннинг танлиқли санъаткорларидан бири Хулио Иглесиас тадбирнинг фахрий меҳмонлари сифатида қатнашдилар.

— Ҳафталиқда иштирок этганидан беҳад мамнунман, — дейди Ги Ларош мода уйи вакили Жорж Булли. — Юртингизда мода, мусика, тасвир ва амалий санъатга оқсак эътибор қаратилар экан. Айниқса, истеъдодли ёшларингизнинг халқаро миқёсда эришган ютуқлари, улар ижодида таалуқли бетакор санъат асарлари бизда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек таъкидлашни истардимки, бундай интилуван ёшлар бор юртининг фаровон келажигига катта умид боғласа арзийди.

Тадбир доирасида Ёшлар ижод саройида замонавий дизайн йўналишлари ва шарқона ўнги хослик уйғунлигидаги либослар кўргазмаси, танлиқли моделларнинг «Махорат» дорлари ва улар ижодида бағишланган мода намойишлар ўтказилди. Айниқса, «Underground» ёш дизайнерлар коллекциялари намойиши, австриялик расом Михаил Фукс иштирокидаги фотосуратлар ва график ишланмалар танлови, расом Гофур Қодировнинг «Самовий тулпорлар» кўргазмаси, «Асрлар оша, илк бор» деб номланган ноҳид буюмлар экспозицияси каби тадбирлар ҳафталикка ўзгача шўҳўқ бағишлади.

Кўхна ва ҳамиса навкирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган якуний гранд-дефиледа анъанавий Миллий либослар фестивали ўтказилиб, унда дизайн ва мода ҳафталигининг барча иштирокчилари қатнашди.

— Ўзбекистондан олган таассуротларимизга бағишланган мақолаваримизда ёшларга эътибор, улар учун яратилаётган оқсак шарт-шароит хузурида алоҳида тўхталмиш ниятим бор, — дейди Австриянинг «Society» журнали бош муҳаррири Гертруд Таухаммер. — Зеро, жаҳоннинг кўллаб машҳур дизайнерлари иштирокида ўтган ушбу

тадбир баҳона ноёб иқтидорли ёшларингизни кўллаб хорижий мутахассислар эътирофига сазовор бўлдилар.

Дарҳақиқат, ҳафталик тадбирлариде ёшларимиз ўз маҳорат ва истеъдодларини намойиш этидилар. Жумладан, Миллий либослар фестивалининг «Фольклор» номинациясида ҳамюртимиз Мадина Қосимованинг коллекцияси, «Handmade» номинациясида Елена Милбергер ва Наталья Гармидерлар ижоди, «Замондан ташқари» номинациясида Лобар Полвонова, «Миллий матолардан моҳирона фойдаланганлиги учун» номинация-

сида Наргиза Отажонова, «Замонавий либос» номинациясида Азиза Бобоқонова ва Елена Худойберганова, энг яхши болалар коллекцияси бўйича эса Дилдора Абдуллаеванинг голиб деб топилганлиги бежиз эмас. Зеро, бу ёш истеъдод эгалари бетакор услуб, миллийлик ва замонавийлик уйғунлигида яратган либослари билан эътибор қозондилар.

Шунингдек, «Underground» ёш дизайнерлар танловида миллий матолардан самарали фойдаланганлиги учун Зуфия Султобоева, Надежда Ким, энг яхши дизайнлиқ иши учун Элина Хайруллина сингари ёш моделерлар голиб деб топилдилар. График ишлари ва фотосуратлар танловида эса Камола Акрамованинг эскизлари, Светлана Каникининг фотосуратлари энг яхши деб топилди. Дунёи ва мода ишлари кўргазмаси якуни бўйича поитхатимиздаги «Baccarat» дўкони стенди, шунингдек, Италиянинг «DSQUARED2» мода уйи Ўзбекистондаги энг яхши мода уйи, деб эълон қилинди.

Тадбир Мода ва дизайн ҳафталиги меҳмони, танлиқ инглис хонандаси Род Стюартнинг яккахон концерт дастури билан якунланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Аmmo Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг бешинчи қисмида ўн олти ўшдаги ва ундан катта ўшдаги қўғулар юртлирининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатганларига, лекин ўн

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДАДА

сақкиз ўшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳўқуқига эгадирлар» деб белгиланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига мувофиқ ўн сақкиз ёшдан катта ва йигирма уч ёшга тўлмаган, ўқув юртининг кундузги бўлимида тахсил олаётган шахслар зарарни ундириш ҳўқуқига эга бўлмайдилар, ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига асосан улар бундай ҳўқуққа эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг нормаларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига мувофиқлаштириш лозим, деган хулосага келди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўқувнинг кундузги шаклида таълим олаётган шахсларнинг улар йигирма уч ёшга етганга қадар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни ундириш ҳўқуқини белгилловчи ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Махлисида давлат органлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди хузуридаги Илмий-машаққатлашув кенгаши аъзолари иштирок этди.

(ЎЗА).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкнинг «Тадбиркорликнинг олиб борилиши» тадиқоти ҳисоботида Ўзбекистоннинг илгаригига нисбатан анча юқори рейтинг олишида тадбиркорлик субъектларини кредитлаш борасида ҳўқуқий база яратилганлиги, кредитлашнинг соддалаштирилган тартиби амалга киритилганлиги, кредит олиш учун талаб қилинадиган ҳўжатларнинг анча камайtirилганлиги ҳамда мамлакатимизда кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ташқил этилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди.

Қарз олувчиларнинг молиявий ҳолати ва тақдим этилган лойиҳаларни тахлил қилишдан ташқари, кредитнинг қайтмаслик хатарини камайtirишнинг муҳим омилларидан бири қарз олувчилар тўғрисида ахборотга эга бўлишдир. Бу эса қўн вақт ва маблағ талаб этади.

«Кредит ахбороти» деганда, қарздорнинг қарзини қандай қайтарганлиги, агар у бошқа шахсларнинг кредитлари учун қафилиқ берган бўлса, уларни қандай бажарганлиги тўғрисидаги маълумотлар тўшунилди. Кредит ахбороти алмашинуви тизими эса кредит ахборотини янгиш, умумлаштириш ва тақдим этишга иxtисослашган махсус ташкилотлар, қарз берувчи, қарздорлар, ахборот-коммуникацион воситалари ҳамда тегишли метьерий ҳўжатларни ўз ичига олади.

Банклар, кредит ташкилотлари, нотариат, кадастр, лизинг ва суғурта компаниялари ҳамда бошқа корхоналарнинг маълумотлари ахборот олиш манбаи ҳисобланади. Қарздорлар тўғрисидаги маълумотни иxtисослашган ташкилотларга юбориш ёки улардан олиш орқали кредит ахбороти алмашинилади. Хорижий экспертларнинг фикрича, кредит ахбороти алмашинуви тизимини яратиш катта мuddат ва маблағ

талаб қилади, халқаро ташкилотлар эса бу тизимнинг ташқил этилиши ва самарали ишлаши, бунинг учун давлат идораларидан ҳам ахборот олинишига катта эътибор қаратаётганликлари унинг мамлакат рейтингига жуда муҳим кўрсаткич эканлигини билдиради.

Кредит ахбороти алмашинуви баъзи давлатларда кредит бюроси, бошқаларида Марказий банкнинг махсус

Масалан, Италиянинг «CRIF» компанияси 2005 йилда «Чехия кредит бюроси»нинг, 2006 йилда «Словакия кредит бюроси»нинг, 2007 йилда Польшанинг «InfoData» кредит ахбороти компаниясининг акцияларини тулик харид қилган эди. Бугунги кунда у Россия «Кредит тарихи миллий бюроси»нинг ҳам таъсисчиларидан биридир.

Бошқа бир мамлакатларда эса хориждан кредит маб-

ахбороти алмашинуви тизими ва қарздорларнинг кредит ахбороти ягона реестри Марказий банк томонидан ташқил этилди, дастурий таъминот, тегишли метьерий ҳўжатлар таъминот чикилди. Эндilikда тижорат банкларига қарздорлар тўғрисидаги ахборот уларнинг сўровларига жавобан бепул тақдим этилади.

Дейлик, банка бир корхона кредит сўраб мурожаат қилди. Банк эса у илгари кредитни

ди, жамият эса соғлом рақобат муҳитига эга бўлади.

Шу ўринда Марказий банкда кредит ахбороти давлат реестри ташқил этилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, у бир қатор афзалликларга эга. Биринчидан, тижорат ва банк сирини сақлаш муаммоларини ҳўқуқий жиҳатдан қўн қилинган, чунки кредит ахборотини олишга қарздорларнинг розилиги талаб қилинмайди.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

бўлинимаси орқали амалга оширилди. Жаҳоннинг 76 давлатида кредит бюроси, 72 тасида кредит ахбороти давлат реестри ишламоқда, булардан кўчлигида хар иқтисодиёт ахбороти алмашинувини яратишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Норвегия Марказий банки ва «Бундесбанк» ёрдами ҳамда фойдаланилаётган Дастурий таъминот эса АКШдан сотиб олинган.

Ўзбекистон Ҳўқумати банк тизимининг барқарорлигини ошириш, уларни қарздорлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш орқали кредитнинг қайтмаслиги хавфини камайtirиш, молия-кредит интизомини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг ўз миллий кредит ахбороти алмашинуви тизимини барпо этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Марказий банкда 2004 йилги Кредит ахбороти миллий институти (КАМИ) ташқил этилди. У кредит ахбороти давлат реестрига мисол бўла олади. Бошқача айтганда, республикаимизда кредит

қандай қайтарганлиги ва ҳозирги вақтда қарзи бор-йўқлиги тўғрисидаги ахборотни олиш учун КАМИга электрон сўров юборилади. КАМИ, ўз навбатида, теъорик билан банка бу ҳақда электрон ахборот юнартади. Бу ахборотнинг ижобий ёки салбий бўлиши корхонанинг кредитни илгари қандай тўлаганлигига боғлиқ. Демак, хар ким келажакда кредитни қандай олишини, қандай обрўга эга бўлишини ўзи ҳал қилади. Ижобий кредит ахбороти бўлган шахсларга кредит олиш жараёни тезлашиши, кредит таъминоти учун талаб суммаси камайtirиши мумкин. Бунда қарздор тўғрисидаги ахборот у кредитни ўз вақтида қайтарса 5 йил, агар уни қайтаришда кечиктирилган бўлса 10 йил сақланади.

Шундай қилиб, кредит ахбороти алмашинуви тизими кредитдорларни қарздорлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаб, уларнинг кредитнинг қайтмаслик хатарини камайtirиса, тадбиркорлик субъектларининг кредитни қайтаришдан манфаатдорлигини ошириб, тадбиркорлик доирасида ўз обрўси учун курашишга ундай-

Иккинчидан, Марказий банкда маълумотларнинг тўла, аниқ ва тўғри юборилишини назорат қилиш ваколатининг мавжудлиги ахборот сифатини оширади. Бу, ўз навбатида, банк назоратининг самарали олиб борилишига хизмат қилади. Банкларнинг кредит портфелидаги ўзгартириллар хар кун илгини теъорик маълумот сўраш заруритини кескин камайtirиши мумкин. Шунингдек, бундай тизим Ҳамдустлик мамлакатларининг аксарияти (Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон)да ҳали тўлғу йўлга қўйилмаган.

Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкнинг Б. Коулман бошчилигидаги вакиллари Марказий банк қошидаги Кредит ахбороти миллий институтида бўлиб, унинг иш фаолияти, ишлаш тартиби, дастурий таъминоти ва кредит ахбороти алмашинуви тизимига ижобий фикр билдиридилар.

Республикаимизда тадбиркорлик субъектларининг кредит олишларини тезлаштириш, кредит ташқилотларини қарздорлар тўғрисидаги ах-

борот билан таъминлаш орқали уларнинг кредитнинг қайтмаслик хатарини камайtirиш, мамлакат рейтингини ошириш ҳамда ахборот алмашинуви тизимини янада тақомиллаштириш мақсадига кредит ахбороти алмашинувини тартибга солувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳўқуматга тақдим этилди. Мазкур лойиҳани таъйирлашда Халқаро молия корпорацияси ходимлари билан якун

лумотлари тўғрилигини таққослаш имконини беради. Йўқотилган, ўғирланган ёки қалбаки паспортлар билан кредит олиш хавфини камайtirилади.

Ҳозирги кунда гаровга қўйилган автотранспорт воситалари ва уларнинг эгалари тўғрисида электрон маълумот олиш халқаро амалиётида кенг қўлланилмоқда. Бу автотранспорт воситаларининг бир неча бор гаровга қўйилиш, гаровга қўйилганларини сотиш ҳолатларининг олдини олади. Гаровга қўйилган мулк реестрини ташқил этиш, кадастр эътизоти ва нотариал идоралардан гаровга қўйилган мулк тўғрисида қўшимча маълумот олиш амалиётини қўллаш эса бир мулкнинг тақордан гаровга қўйилишини аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, кредит ахбороти алмашинуви тизими иштирокчилари сафини кенгайтириш, жумладан, унга бошқа молия-кредит ташқилотларини ҳам жалб этиш режаси қўн тартибда турибди. Бу режаларнинг амалга оширилиши кредит уюшмалари, лизинг компаниялари, суғурта идоралари, микрокредит ташқилотлари тўғрисидаги ахборотларга эга бўлиш, таваққалчиликнинг олдини олиш имконини беради, мамлакатда иқтисодий ислохотларни жадал амалга ошириш ва молия-кредит тизимининг янада ривожланишига шарт яратлади.

Хулусан, мазкур ишларнинг амал

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҲАЗРАТ ОБЛОҚУЛОВ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги оғир жудаликка учради. Моҳир пахтакор, Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги "Қаҳрамон Ҳазрат пахтакор" фермер хўжалиги бошлиғи Ҳазрат Облоқулов шу йил 19 октябрь кунини 80 ёшида вафот этди.



Ҳазрат Облоқулов ўз меҳнат фаолиятини иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида бошлади. Дастлаб жамоа хўжалигида сувчи, звено бошлиғи, бригадир, бош пудратчи бўлиб узоқ йиллар виждондан ва самарали меҳнат қилди. У ўзининг бор кучини ва бой тажрибасини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Бухоронинг мураккаб иқлим ва туپроқ шароитида пахта, галла ва бошқа экинлардан мунтазам равишда мўл ҳосил олишга эришиб, омилкор деҳқон сифатида танилди. Ишонинг негизини билшиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилиб яшашдек юксак инсоний фазилатлари билан эл-юрт хурматиға сазовор бўлди.

У қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг кўзга кўринган вакиллари билан бири сифатида хўжалик юритишининг ушбу истиқболли шаклини амалда тасдиқлашга катта ҳисса қўшди, кўплаб ёшларга деҳқончилик сирасорларини яқиндан ўргатди.

Ҳазрат Облоқуловнинг республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда катта хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб, у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиғи ходими", "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвонлари билан тақдирланган эди.

Меҳнаткаш ва камтарин инсон, уста пахтакор Ҳазрат Облоқуловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАММЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, С. СИМОИЛОВ

ЖАҲОН 24 соат ичида УЕФАнинг қарори

Европа футбол ассоциациялари уюшмаси (УЕФА) Молдовага 600 миң евро миқдорда ёрдам кўрсатишга қарор қилди, дейилади "Газета.Ру" интернет саҳифасида тарқатилган хабарда.

Ҳап шундаки, жорий йилнинг июль-август ойларида Молдовада кузатишган сув тошқинлари вақтида мамлакатдаги бир қатор футбол майдонлари ҳам жиддий зарар кўрган эди. УЕФА томонидан ажратиладиган маблағ ана шу сурат иншоотларни тавмирлашга йўналтирилади.

Автобусдаги портлаш

Ироқнинг Бағдод шаҳри шарқда портлаш содир этилди.

Полициянинг хабар беришича, портловчи модда автобуска ўрнатиб қўйилган экан. Хунрезлик оқибатида икки киши ҳалок бўлган, етти киши турли даражада тан жароҳати олган. «Associated Press» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, полиция портлашни амалга оширганликда гумон қилинаётганлардан бирини қўлга туширган.

Барқарорликни сақлаб қолиш учун

Европа марказий банки (ЕМБ) Венгрия фонд бозори барқарорлигини сақлаб қолиш учун 5 миллиард евро миқдорда маблағ киритишни маълум қилди, дейилади «Associated Press» ахборотида.

Ҳозирга келиб Венгрия валютаси — форинтнинг доллар ва еврога нисбатан қиймати тушиб бормоқда. Шу боис ЕМБ мақсуд мамлакатга ёрдам беришга қарор қилган. Таҳлилчиларнинг фикрича, банк томонидан жалб қилинадиган маблағлар форинт қадрини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Кўприк қулаб тушди

Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида қурилиш тугалланмаган метро кўприғи қулаб тушди.

«CNN» телеканалининг хабар беришича, қурилиш вақтида автокран мейбридан ортика юкни кўтарган. Натихада унинг пўлат арқонлари узилиб кетиб, кўприкнинг бир қисмига шикаст етказган. Фожиа оқибатида икки киши ҳалок бўлди. Мамлакат ҳукумати қурбон бўлганлар оиласига ўн миң АҚШ доллари миқдорда тоvon пули тўланишини маълум қилди. Метрополитен раҳбарияти ушбу ҳолат эътиборсизлик туфайли юз берганини таъкирлаб, воқеа юзасидан текшириш олиб борилишини айтиб ўтди.

Лувр музейи ғолиб

Францияда бир йил мобайнида энг кўп томошабин кирган маданий масканлар номи эълон қилинди.

Унга кўра, дунёга машҳур Лувр музейи биринчи дея, эътироф этилди. Бу ҳақда «Le Figaro» газетаси Франция маданият вазирига маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Манбада келтирилишича, 2007 йилда Луврга 8,2 миллион киши ташириб буюрган. Мамлакатнинг яна бир диққатга сазовор жойи — Версаль саройини эса 5,3 миллион ихлосманд томоша қилган. Шунингдек, Фабр, Монпелье музейлари ҳамда Фонтенбло саройига келувчилар сонини ҳам ошириб кузатишган. Умуман, утган йили Франциянинг диққатга сазовор ғушаларини 52 миллион киши зиёрат қилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизга ташириб буюрган Корея Республикасининг Коммуникациялар бўйича кўмитаси раиси Чой Си Жунг раҳбарлигидаги делегация 17 октябрь кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.

АКТ соҳасидаги изчил ва самарали ҳамкорлик

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бarchа жаҳаларда, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг урдушуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан алоқа ва ахборотлаштириш тизимига замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, шаҳар ва туман марказларидаги алоқа тармоқларини замонавийлаштириш, аҳоли, корхона ва ташкилотларга юқори сифатли телефон алоқаси ва маълумот узатиш хизматлари кўрсатиш ҳамда соҳага хориж сармоясини жалб этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлоратларга юксак баҳо берди.

Музокарада алоқа ва ахборотлаштириш, жумладан, замонавий телекоммуникация воситалари ва мураккаб ахборот тизимларини кенг жорий этиш, юқори технологияли маҳсулотлар яратиш ва кадрлар тайёрлаш борасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашувини фаоллаштириш оид масалалар атрофида музокара қилинди.

Корея делегацияси EVO савдо белгиси остида иш юритувчи "Super iMAX" компаниясининг очилиш маросимиде иштирок этди. EVO — Ўзбекистондаги биринчи мобил Wimax тармоғи ва жаҳондаги Wimax «иккинчи тўқин» мобил тармоғининг биринчи операторларидан. Мутахасссларнинг таъкидлашича, аънанавий радиодалоқа технологияларидан фарқли ўларок, Wimax

Corporation» компанияларининг етакчи мутахассслари томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳамкорлиғи натижасида "Super iMAX" компанияси ташкил этилди. Ҳозир Wimax Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларини қамраб олган. 2009 йилнинг охирида "Super iMAX" бўтун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб Wimax симиэз алоқа тизимини жорий этиди. Компания бизнесини ривожлантириш учун йилгига ўн миллион АҚШ долларигача маблағ ажратишни режалаштирган.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи Бош директори А. Орипов иштирок этди.

(Ў.А.)

Фуқаролар йиғинларига сайлов олдида Демократик жамиятнинг муҳим бўғини

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ишлоратларни чуқурлаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла институтининг ўрни катта.

Сирдарё вилоятида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштиришда алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Гулистон шаҳридаги олти мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган "Намуна" маҳалласида ҳам турмуш маданиятини юксалиб бораётган. Бу ерда турли миллат вакиллари аҳил-инок яшамоқда. Маҳаллада ёш кекса ободонлаштириш-қуқаламзорлаштириш тадбирларида

фаол қатнашади. Бу йил қўламада 10 миң тулдан зиёд мева ва манзарали дарахт ҳамда гул қўчатлари ўтказилди. Маҳаллада ёш оилаларни ҳар томонлама қўлаб-қуватлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Йилнинг утган даврида ўндан зиёд янги оила курган ёшлар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уй-рўзгор буюмлари харид қилиш учун имтиёзли кредит олди. Шунингдек, маҳалла

да ёшлар ўртасида тиббий, ҳуқуқий, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш яқин аънагага айланган. Эътирофга лойиқ бундай тадбирларда, эришилаётган ютуқларда маҳалла раиси ва маслаҳатчиларининг ҳиссаси катта, албатта.

Шундай экан, ташкилотчи, ташаббускор, фидойи инсонларни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайлашни маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг аънада обод ва кўркем, оилаларнинг тинч ва тотув бўлишида, аҳоли турмуш фа-

ривонлигининг юксалишида муҳим аҳамият касб этди.

Шу муносабат билан Сирдарё вилояти ҳокимлигида ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар атрофида музокара қилинди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси, сайловга қўлақлашувчи вилоят комиссияси тарғиб таъкидланди.

Д. ЭСОНОВА, Ў.А. МУХБИРИ.

Яққабоб туманидаги Совқабул қишлоғида жойлашган 9-мактаб ўқувчилари интернет хизматидан фойдалана бошлади.

ОЛИС ҚИШЛОҚДА ИНТЕРНЕТ

Симли телефон алоқаси ўрнатилганлиғи туфайли мактабдаги компьютерларни интернет тизимига улашнинг илози бўлмаётган эди. Бу муаммони ечишда «Билайн» белгиси остида хизмат кўрсатувчи «Юнтель» компаниясининг «Янги технологиялар — болаларга» ижтимоий дастури кўл келди. Компания томонидан тақдим этилган модем ва SIM-карта ўқувчиларнинг интернет тизимига симиэз улашиб, бепул фойдаланишлари учун имконият яратди.

Бугунги кунда вилоятдаги 139 та мактаб ўқувчилари уяли алоқа тизими орқали интернетга чиқиб, зарур ахборотларни олишмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЁАЖ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде 2008 йил 4 ноябрь кунини соат 11.00 да ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига тақлиф этиди.

Аукцион савдосига Суд департаменти Андижон вилояти бошқармаси томонидан Андижон вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 27 ноябрдаги 17-0602-9122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жалакудук тумани, Ерқишлоқ КФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, «Ерқишлоқ» ип йиғирув ва тўқув ҳиссадорлик жамиятига қарашли умумий фойдаланиш майдони 1989,65 кв.м., қурилиш майдони 14664,62 кв.м. бўлган А1,Б,В1,Е,Ж,З,И,К,М,Н,О,П,Р,С,У,Х,Ю,Я,К-лйтердаги бина-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 867 798 434 сўм.

Ушбу бина-иншоотлар билан Суд департаменти Андижон вилояти бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилмадан закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, ИНН 200933850.

Лицензия: ДВ 001 №000004.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Тел: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

ОРИГИНАЛ АВТОМОБИЛЬ ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИ

1000 турдан ортиқ асосий жиҳозлар Маҳсулот сертификатланган Куйидаги ишлаб чиқарувчи заводлар кафолати билан: АМО «ЗИЛ» «КамАЗ» ОАЖ «БЗА» РУП «УАЗ» ОАЖ «БАТЭ» РУП «Элтра» ОАЖ «Автодизельсервис» ОАЖ Малакали техник маслаҳатчи — Али Бикриевич Бағдалов томонидан бепул маслаҳатлар

ҚУЛАЙ ЧЕГИРМАЛАР ТИЗИМИ МАВЖУД!

Тел./факс: (8 371) 290-76-46, тел.: (8 590) 919-30-46, 178-05-12. Манзил: Тошкент ш., «Мўйноқ» кўчаси, 135-уй («Узэлектробелсавдо» биноси, Мўлжал — ДАН жарима майдончаси).

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

Table with columns: Ду, мм; Типоразмер; Мин. расход, Qмин, м³/час; Максим. расход, Qмакс, м³/час. Rows: 25 G10 (0,16; 16(25)); 40 G25 (0,40; 40(65)); 65 G65 (1,00; 100(160)).

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставяет краны, отводки, задвижки и фильтры различных диаметров.

Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87 Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, к-л Ц. д. 6 Товар сертифицирован (ор-р - перекресток «Шукрат»)

САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистонда ўзининг аниқ ҳаракат дастурига эга, республика аҳолисининг муайян қатламлари манфаатларини ифода этадиган бир неча сиёсий партия фаолият юритмоқда. Партиялар ўртасида сайловда улар учун овоз берган сайловчиларнинг муайян қисми манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган реал рақобат муҳити кузатишмоқда. Парламент аҳоли сиёсий маданиятини оширишга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сайлов тизими ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиғи даражасига мосдир».

Давра суҳбати иштирокчилари қайд этганидек, Ўзбекистоннинг сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов амалиёти сайловчиларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнини чуқурлаштириш борасида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Сайлов жараёнида барча аҳолининг фаол иштирокчини таъминлашдан, одамларнинг ижтимоий фаолигини оширмасдан ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтирмасдан туриб, жамиятни демократик янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш ҳақида гапириб мумкин эмас.

Словакиялик мустақил таҳлилчи Петер Ўзанинг фикрича, «Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий онги юксалаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Одамларнинг сиёсий маъсулияти ортмоқда, сиёсий билим даражаси ўсиб бормоқда. Мамлакат сиёсат майдонига кўплаб иқтидорли ёшлар чиқиб келмоқда. Бу жараён ўзбек халқининг тарихий, маданий, диний аънавалари ва қадриятларига ҳурмат асосида кечмоқда».

Миллий демократия институтининг (АҚШ) Россиядаги офиси раҳбари Майкл Мэрфин таъкидлаганидек, «сайловнинг муваффақияти ва муайян партиянинг ғалабаси, шу билан бирга, жамият ҳаётига таътиб этилаётган барча демократик янгилашлар самарадорлиғи ёшларнинг сиёсий фаолиғи билан бевосита боғ-

лиқдир. Жорий йилнинг Ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳақиқатан авлодинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш имконини беради. Ёшлар катта салоҳиятга эга, бинобарин, Ўзбекистон ёшлари — аҳолининг сиёсий фаол бўлган асосий қисмини ташкил этади, шу маънода, сиёсий партиялар сайловда кампанияси даврида ёшлар билан ишлашга гоят катта эътибор қаратиши лозим. Ёшлар сиёсати сиёсий партиялар сайловда дастурлариде етакчи ўринда туриши даркор».

Мунозаралар мобайнида давра суҳбати иштирокчилари сайлов — жамиятнинг қай даражада демократлашганини кўрсатувчи мезон эканини қайд этдилар. Шу билан бирга, демократиянинг универсал, барча мамлакатлар учун бир хил модели бўлмаганидек, сайлов тизимларининг ҳам бир хил моделлари мавжуд эмаслиғи таъкидланди. Ўзбекистоннинг сайлов тизими, бу соҳадаги қонунийлик умумийроқ этилган халқаро принцип ва қоидаларини, шунингдек, Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий онги, ҳуқуқ ва сиёсий маданияти даражасини, ўзбек халқининг аънаваларини, менталитетини ҳисобга олган ҳолда, изчил ривожланиши керак.

Халқаро давра суҳбати арасида тадбир иштирокчилари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида урдушувар бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида хорижий экспертлар Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг фракциялари фаолияти билан танишдилар, сайловнинг демократик асосларда ўтишини таъминлаш, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишнинг ташкилий-оммавий жиҳатлари ҳамда ахборот-таҳлилий ва ҳуқуқий таъминоти механизми билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Гулом МИРЗО, Ў.А. МУХБИРИ.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этиди.

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 16 ноябрдаги 18-0705/14390-сонли суд буйруғига ҳамда 2007 йил 25 октябрдаги 18-0601/14834-сонли ижро варақасига асосан, хатланган «Шаҳрисабз Вино-Ароқ» ОАЖга қарашли Шаҳрисабз шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 170-уйда жойлашган 1985 йилда қурилган умумий майдони 24840 м², фойдаланиш майдони 5208,02 м² бўлган, ҳолати таъмирлаб, дан олиш мажмуи, кутубхона, шарбат дехи биноси, диалоголизатор биноси, кириш дарвозаси 2, ёрдамчи хўжалик айвони ва биноси, қурилиш цехи биноси, ишчилар хонаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 75 035 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 21 ноябрь кунини, соат 10.00 да Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истағидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Қашқадарё вилоят филиалининг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452006, Қарши шаҳар Асака банк, МФО-00194, ИНН: 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-375) 225-44-58, 225-41-52.

Лицензия: ДВ 001 № 000004

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Мавлуда Абдуллаевага ораси Зуҳра АБДУЛЛАЕВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Экология ва қишлоқ хўжалиғи ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Рустам Кенжаевга укаси Асрор КЕНЖАЕВNING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк» жамоаси Маркетинг ва матбуот бўлими бошлиғи Ғайрат Шаптаковга отаси Суяюн ШАПТАКОВNING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

Спорт Sport Спорт



Пойтахтимиздаги «Чигатой» футбол марказида мини футбол бўйича Олимпон Акбаров хотирасига бағишланган IV анъанавий турнир бошланди.

ИЖОД МАЙДОНИДАН — ФУТБОЛ МАЙДОНИГА

«Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун ўтказилган мазкур турнирда газета, журнал, телевидение ва радиода фаолият кўрсатган журналистлардан тўртта киши 20 та ҳаваскор футбол жамоаси иштирок этмоқда. Кеча мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, турнир ўтказишдан қўзғалган асосий мақсад оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ўзбек футболни ривожига муносиб хисса қўшган инсонларнинг ибратли ҳаётини тарғиб қилишдан иборат. Ташкилотчилар фикрича, журналистлар ўртасидаги навбатдаги турнирнинг савияси аввалгиларидан ошса ошадиган, асло кам бўлмайди. Мусобақанинг мукофот жағғармаси ҳам анча салмоқли. Жумладан, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган жамоалар олтин, кумуш, бронза медаллари ва пл мукфотлари билан тақдирланади. Шунингдек, йигирмадан ортиқ номинация бўйича энг яхши, деб топилганлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланади. Бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур хотира турнири ОАВ ходимлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда, — дейди мусобақа ташкилий кўмитаси раиси Сафар Остонов. — Сабаби, матбуот, телевидение, радиода фаолият юритаётган журналистлар мусобақа тўғрисида бири бири билан яқин мулоқотда бўлиб, тажриба алмашмоқдалар. Мухими, футбол оламида содир бўлаётган воқеаларни халққа етказишда тинмай меҳнат қилаётган фи-

дой инсонларнинг ўзлари ҳам майдонда яшшигина маҳоратга эга эканлигини амалда исботлашмоқда. Энди бевосита дастлабки учрашувлар натижаларига тўғрисида. Мини футбол турнири кутилганидек, мусосасиз курашларга бой бўлмоқда. «С» гуруҳидан жой олган «Халқ сўзи» газетаси ҳаваскор футболчилари биринчи ўйинда «Туркистон пресс» жамоаси билан учрашиб, 1:2 ҳисобида имкониятни бой берганди. Газетамиз вакиллари иккинчи турда «Ватанпарвар» газетаси ҳаваскор футболчиларига қарши анча ишончли ўйин намойиш этмишди. Шиддатли курашлар остида ўтган бешлашувда 6:6 — жанговар дуранг натижа қайд этилди. Шу кунги жамоамиз азвоси Омонулла Файзиев рақиблар дарвозасига беш марта тўп киритишга муваффақ бўлди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «А» гуруҳи: УЗДЖТУ (Ўзбекистон Давлат жон тиллари университети) — БСРЖ (Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси) 7:2, БСРЖ — «Чемпион» 5:5, «Чемпион» — «Барака» («Жаҳон» АА) 5:4, МТРК (Миллий телерадиокөмпания) — УЗДЖТУ 2:2. «В» гуруҳи: «Туркистон» — «ХИ аср» 2:4, «Ўзбекистон овози» — «Тошкент телерадиоканали» 1:2, «ХИ аср» — «Ўзбекистон овози» 0:2, «Маърифат» — «Туркистон» 1:0. «С» гуруҳи: «Ватанпарвар» — «Жамият» 4:4, «Ўзбекистон футбол» — «Туркистон пресс» 7:0. «Д» гуруҳи: «Янги аср авлоди» — «Спорт» 3:2, «Хонадон» — «Хуққ» 10:3, «Спорт» — «Хонадон» 5:0, «Машъал-спорт» — «Янги аср авлоди» 1:1. Учинчи тур учрашувлари бўгун бўлиб ўтади.

21 октябрь — «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кун

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳақида»ги Қонун бугунги кунда фаол амалда ва унинг самаралари ҳам қувонарлидир.

Утган давр мобайнида миллий тилимиз ўз ривожига кўп нарсаларга эришди. Чунки, лугатимизни ислох қилиш бўйича улкан давлат сиёсати амалга оширилди. Собик мустақиллик даври ва унинг мафқураси билан боғлиқ атамалардан иқтисодий ҳаётимиз ва халқ дунёқараши дерали покланди. Уларнинг ўрнида миллий мустақиллик мафқураси, халқимизнинг миллий ғурури ва ифтихори илдизларини мустаҳкамлайдиган атамалар вужудга келди.

Хар қандай мустақил мамлакат ва халқ ўз тилига эга бўлади. Шу тилда кенг қамровли фаолият олиб борилади. Шу тилда қонунлар ва фармонлар қабул қилинади, қарорлар эълон қилинади, ҳужжатлар юритилади. Давлат микросидаги йирик мажлислар, тантаналар давлат тилида олиб борилади... Буларнинг барчаси бугун кўз ўнгимизда руй бермоқда.

Мен — муаллимман. Шу босишдан мактабдан тортиб ўрта махсус, касб-ўнор ва олий таълим босқинларига ёшларимиз бугун барча фанлар бўйича ўзбек тилида сифатли яратилган дарсликлар билан таъминланаётганидан мангунман. Турли фан соҳаларида Давлат тилида дарсликлар яратиш малакасини мукаммал эгаллаган муаллимлар кўпаймоқда. Булар ҳам тилимиз ривожигаги муҳим ютуқлардан биридир.

Тилшунослик илми ва амалиёти соҳасида меҳнат қилаётган мутахассислар фаолияти давлатимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Менинг ўзим Президентимиз Фармонига бинсон 2005 йилда ўзбек тилишунос олимлари орасида биринчи бўлиб, давлатимизнинг олий мукофоти «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландим. Бу мукофотни шахсан Президентимиз қўлидан қабул қилиб олганимиз ҳаётимнинг энг унутулмас дамиларидан биридир. Ана шу мукофот кўп йиллардан буён тайёргарлик қилиб, «Хозирги адабий ўзбек тили» номи билан ёзаётган дарслигимни поёнига етказишим учун менга кўп ва илҳом берди.

— Мутахассис олим сифатида сиз тилимизда юз берётган ислохотнинг шахсан гувоҳи бўлиб келаясиз. Эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда жараёнинг мураккабликларидан ҳам бевосита огоҳсиз.

Шундай экан, мана шу жараёнга бироз чуқурроқ назар ташласак...

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши тўғрисида Қонун қабул қилинганлиги халқимиз онгда ва қалбда катта ўзгаришларни вужудга келтирди. Миллатимизда она тилига нисбатан жўшқин меҳр ва ғурур ўйонди. Бу меҳр, бу ғурур ҳатто қирғоқларидан тошиб, қўшиб-қайнаган бир даврларни бошдан кечирдик. Масалан, бир маҳаллар тилимизни умуман ўзга тил сўзларидан ёлғизига тозалашга интилиш кўчади. Лоқал, «автобус» деган битта сўзни олиб қарайлик. Шу сўзни зўрма-зўраки «кўпириндик» деган сўз билан алмаштириш тақлифи ҳам бўлса ҳам, самолётда ҳам, кемаларда ҳам мавжуд.

Мана шундай ҳолатлар кетма-кет содир бўлаверган, мен соҳа мутахассиси

сифатида ўша кунларда мажлисларда, халқ билан учрашувларда: «Хис-туйуларни жиловлаб, ақл-идрок билан ишлашга ўтайлик», деган фикрни қайта ва қайта такрорлаганман. Аммо иқтисодий ҳаётдаги умумий жўшқинлик муҳитида менинг бу гапларим одамларга баъзида ёқмасди. Айниқса ёшлар, талабалар билан учрашувларда: «Нега тилимизни ўзга сўзлардан тозаласангиз керак? Сиз тил мустақиллигига қаршимиз?» деган таъналарни ҳам эшитганман. Аслида, халқимизда пайдо бўлган бу ғурурдан мен беҳад хурсанд эдим.

Қонунга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги янги таҳрирдagi Қонун катта аҳамият касб этди. Тақомиллаштирилган янги Қонунда олдинги Қонунга хос баъзи кескин ўринлардан воз кечилди. Тил ислохотини аниқ ҳаётий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, адолатли равишда ташкил этиш йўлга қўйилди. Бугун жўшқинликлар, эҳтиросларга берилиш даври орқанда қолди. Энди тил ислохотида юз берган иқбодий ва салбий томонларни олимларимиз ҳолисона илмий баҳоламоқдалар. Хуллас, ўтган даврдаги оқилона ўзгаришлардан бири шу бўлдики, ўзбек тили

аэропорт, депутат, клуб, лаборатория, нотариус, самолёт, факультет, транспорт каби европача сўзлар тилимизга аллақачон сингиб кетган. Шу сабабли уларни олийгоҳ, илмгоҳ (институт), малакасини (аттестация), тайёргар, қўналга (аэропорт), ноиб (депутат), тажрибахона (лаборатория), нусхакўш (нотариус), тайёра, уқоқ (самолёт), куллиёт (факультет), нақлиёт (транспорт) тарзида алмаштирилишини амалиёт қабул қилмади.

Ҳаёт, маданий тараққиёт тилга ўз таъсирини кўрсатиб, унга янгиликларни ато этиб бораверади. Фақат бу жараёни ақл-идрок, мантқ билан оқилона бошқариш лозим.

Тилимиз ислохотидаги муҳим воқеалардан бири 1993 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 13-сессиясида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси миллий ёзувимиз тарзида қабул қилинганидир. Шундан кейин, 1995 йилнинг 24 августида Ўзбекистон Мажлиси Қонуни 339-сонли қарори билан «Ўзбек тилининг асосий илмо қондалари» тасдиқланди. Лотин ёзуви, аввало, тилимиз табиғатида тўғри келади, иккинчидан, бундай ёзув халқдан микёсда кенг қўлланади.

Бу даврдаги яна бир янгилик шундан иборатки, Истиклол тилшунослик соҳасидаги илмий тафаккурда ҳам янги даврни бошлаб берди. Маълумки, яқин ўтмишда тил тадқиқотчилигида бошқа тилларга хос қонуниятлар андозаси ҳўкмон эди. Бугунги кунда ўзбек тили асосан бевосита унинг ўз миллий табиғатига хос қонуниятлардан келиб чиқилган ҳолда тадқиқ этилмоқда.

— Тилимиз истикболни тўғрисида фикрларингиз?

— Мустақиллик тилимизга юксак мавқе бағишлади. Уни Давлат тили мақомига кўтарди. Мустақиллик даврида халқимиз халқро ҳамжамиятнинг тенг ҳўқуқли азвосига айлангандан кейин турли давлатларда «Ўзбекистон» номи борган сари давлатро садо беранпти. Миллий тилда яратилган маданиямиз жўшқин майдонларида жаранглармоқда. Бошқа халқларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш кўчаймоқда. Ўзбек кураши воситасида ер юзининг дерали барча қитъаларида «ёнбўш», «чала», «халол» деган ўзбекча сўзлар мустаҳкам амалиётга кирди. Булар — тилимиз истикболининг жўшқин дарақчиларидир.

Ўзбек тили аслида дунёнинг бой ва қудратли тилларидан биридир. Уни жаҳонда Аҳмад Яссавий тили, Навоий тили, Бобур тили сифатида билишсади. Бу тил ҳозирги замон ўзбек адаблари ва шoirларни томонидан янада тақомиллаштирилмоқда. Сўнбат, истиклолнинг, илм-фан ва бошқа соҳаларнинг ривожини ҳам тилимизнинг ривожини рағбатлантирувчи манбалардир.

Қўрбощимиз таъриф этганларидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики, эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тили тилининг бетакорро жозибаси билан сингади. Модомики шундай экан, она тили халқнинг бойлиги ва борлиғидир. Халқ ривожланар экан, тил ҳам, шак-шўбаҳаси, ривожланиб боради. Бу йўлда уни ҳеч нарсга тўхташиб қолмайсиз.

Сўхбатни М. САФАРОВ ёзиб олди.

«ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУФАТИ»

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида беш йиллик «Ўзбек тилининг изоҳли луфати»нинг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда олимлар, ёзувчи ва шoirлар, ёш тадқиқотчилар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти директори Т. Мирзаева, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орпов, академик Ғ. Абдураҳмонов, «Тафаккур» журналы бош муҳаррири Э. Азам ва бошқалар халқимизнинг бекйёс бойлиги бўлган она тилимизни асраб-авайлаш ва унинг жамиятдаги маънавий мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Зеро, тил миллиятнинг ўзлигини намоён этувчи, маънавий қўбасини белгиловчи, давлатнинг тарихи ва келгуси тараққиёт босқичларини ифодаловчи муҳим белгилардандир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, она тилимизга расман давлат тили мақоми берилди.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриётида беш йиллик «Ўзбек тилининг изоҳли луфати» нашр этилиши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳим самараларидан бири бўлди.

Олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида яратилган ушбу луғат ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, санъат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шевадарда қўлланиладиган сўзларни, баъзи тарихий терминларни ўз ичига олган. Сўз ва сўз бирикмасларини изоҳлашда ўзбек адабиети ва матбуотидан олинган далилларга таянилган.

Ушбу нашр мамлакатимизда маънавий-маърифий ҳаёдада амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар бераётган юксак самаралардандир.

Баҳор ХИДИРОВА, Ўза ХИДИРОВА.

ТИЛ — ХАЛҚНИНГ БОЙЛИГИ, БОРЛИГИ

Лекин шунинг назардан қочирмайлик, узок тарих давомида турли тиллар ўртасида ҳам ҳамкорликлар бўлган. Бир халқ тили бошқа тиллардан анча-мунча сўзларни ўзлаштириши зўвасига ўз имкониятларини бойлаган. Масалан, ўзбек тили асрлар мобайнида араб, форс, рус ва рус тиллари орқали бошқа европа тилларидан жуда кўп сўзларни қабул қилиб олган, улар тилимиз бойлиги ва имкониятига айланган. Мана, «Конституция» сўзини олиб қўрайлик, у лотинча бўлиб, «тузилди, тартиб» маъноларини англатади.

лида аввалдан мавжуд, аммо кейинчалик асосий равишда русча — интернационал сўзлар билан алмаштирилган бир гуруҳ тарихий тўшунчалар бақдод бўлди. Тилимизда автономия ўрнида муқторият, администрация ўрнида маъмурият, аниқлик ўрнида тахил, брошюра ўрнида ривол, маъруза каби атамалар қайтадан тилдан келди. Иккинчидан, ўзбек тилида ҳозирда қўлланиб турган сўзлардан алмаштирилаётган сўзларга мўқобил сифатида фойдаланишга ўтилди. Чунки, инвалид ўрни-



Истиклол даврида биз уни ўзгаришмасдан қўллашимиз ва тўғри қилдик. Жаҳоннинг барча мамлакатларида «конституция» давлатнинг Асосий Қонуни тарзида тушунилади. Бундай халқро сўзлар халқларни ўзаро яқинлаштиради. Сўнбат, илм-фанда, иқтисодиётда, ҳўқуқшуносликда халқро микёсда эътироф этилган қанчалар-қанча терминлар бор. Уларни ҳамма ерда бир тил тушунадилар. Агар биз уларни ёлғизига тилимиздан чиқаришга уринсак, тарихан шакланган тил бойлигини йўқотамиз. Бунинг устига, ҳозирги глобаллашув даврида тилимизда қоллеж, лицей, менежер, фермер, акция, компания, корпорация... деган янги сўзлар пайдо бўлди. Улар оммавий муомалага сингиб кетди. Демак, тилларнинг ҳамкорлигини давом этмоқда.

Тил ислохотининг соғлом асосларда ривожланишида 90-йилларнинг иккинчи ярмида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги

га ногирон, клиент ўрнига мижоз, контроль ўрнига назорат, табица ўрнига жадал деб ишлата бошланди. Учунчидан, алмаштирилаётган сўзга мўқобил сифатида янги сўзлар ясалди: коомонвет — фазокор, адресат — олувчи, анкета — сўровнома, посылка — жўнатма, структура — пузими каби. Туртинчидан, алмаштирилаётган сўзларга мўқобил сўзлар ўзга (чет) тиллардан ахтарилиди. Натижада араб тили, турк тили, форс ва тожик тилидаги баъзи сўзларни ўзбек тилига киритишга ҳаракат қилинди: офицер — зобит, студент — талаба каби. Шунингдек, бир қатор мўқобил сўзлар аввалги терминлар билан ёнма-ён (параллель) равишда қўлланилмоқда: мувозаанат — баланс, мухандис — инженер, сармоя — капитал, тилкаш — реконструкция, шифокор — врач, жамгарма — фонд қабилар.

Ўзбек тили терминологиясига миллий руй бағишлаш жараёнида яна бир ҳодиса руй берди. Масалан, институт, аттеста-

«ПАХТАКОР»НИНГ УМИДИ ЭНДИ КУБОКДАН
Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати 24-тур учрашувлари кутилмаган натижаларга бой бўлди.

Жумладан, чемпионат етакчиларидан ҳисобланган «Пахтакор» Бекободда «Металлург» жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. «Бунёдкор» — ОТМК баҳсида тошкентликлар 81-дақиқагача рақиблар дарвозасига йўл топма олмадилар. Учрашув тугашига тўхтатилганда қолгандагина Анвар Солиев галаба келтирувчи гол муаллифи бўлди.
Чемпионат ўйинлари тугашига олти тур қолганида «Бунёдкор» (66 очко) жамоаси «Пахтакор» (59 очко)дан 7 очко илгариллаб кетди. Зико шоғирдлари қолган турларни муваффақиятли якунлашса, «Пахтакор» жамоаси бор кўчини кубок бешлашувларига қаратиши аниқ.
Ушбу турнирнинг қолган ўйинлари натижалари билан танишинг:
«Шўртан» — «ЎзДонгЖу» 4:1, «Кизилқўм» — «Бухоро» 1:0, «Андижон» — «Насаф» 3:1, «Навбахор» — «Сўғдиёна» 1:1, «Машъал» — «Нефчи» 3:1, «Локомотив» — «Динамо» 1:2.
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РАТБ «Галлабанк»
томонидан чет эл валютасида 1 ой муддатга «Оптика» омакат турига маблағлар қабул қилинмоқда.
Омонатта маблағлар 2009 йил 1 январгача қабул қилиниб, уларга йиллик 5 фоиз микдорда устузма фоизлар тўлаб берилади. Маблағлар АКШ долларига қабул қилинади.
«Галлабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!
Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com
Омонатлар «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жамғармаси» томонидан қафолатланади.

Kichik biznes — yuksak g'urur!
«TADBIRKOR» TARIF REJASI
Barcha kirish qo'ng'iroqlari \$0
Chiqish qo'ng'iroqlari (Bir daqiqqa narxi)
Guruh ichidagi \$0
Tarmoq ichidagi \$0.02
O'zbekiston bo'yicha \$0.02
SMS (chiqish SMS narxi)
Tarmoq ichida \$0.01
O'zbekiston bo'yicha \$0.02
Oylik abonent to'lovi \$4
Agar siz yuridik shaxs (korxonа yoki kompaniya ishchisi, rahbari), shuningdek, xususiy tadbirkor yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga binoan ro'yxatdan o'tgan shaxsiy kompaniya egasi bo'lsangiz, bizning korporativ mijozimiz bo'lishingiz mumkin.

cell
YANADA KO'PROG'INI KUTING
MANZILIMIZ: 100000, GSP, Toshkent shahri, Matbuotchilar k'chasi, 32-uy.
Набатчи котиб — А. Орпов.
Набатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Набатчи — О. Файзиев.
Мусаххач — Ш. Машираббеов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.20. Тошпириди — 21.50

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида тернид ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳфаланди.
Т-Тижорат материали
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.20. Тошпириди — 21.50